

**АДАБИЙ ТАНКИД** — (арабча — накд) адабиётшуносликнинг мустакил бир соҳаси бўлиб, у адабий жараённи, шу жараёнда яратилаётган асарларнинг бадиий-эстетик кимматини, адабиёт майдонидаги ўрнини, муваффакият ва чекланишларини, адабий жараённинг йўналишини аниклаб, баҳолаб боради. Адабий танкидчилик ўз вазифасига кўра жуда масъулиятли фаолият бўлиб, танкидчидан адабиёт назарияси, адабий жараённинг бугуни, тарихи, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий хаётни чукур билишни талаб килади. Гарчи ўзбек адабий танкидчилигига доир илк тушунчалар тарихи ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши даврига мансуб бўлса хам, профессионал адабий танкиднинг фан сифатида шаклланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўгри келади.